



Проект

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА
QL-1126/22-6

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ КОДЕКСИНИ тасдиқлаш ҳақида

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Ахборот кодекси тасдиқлансин.

2-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган “Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида”ги 402-I-сонли қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги 400-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сонли қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 36-сон, 452-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-78-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-369-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда);

7) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-443-сонли Қонуни (Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 944-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 10 мартда қабул қилинган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-444-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда).

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АХБОРОТ КОДЕКСИ

БИРИНЧИ БЎЛИМ

АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Кодекснинг мақсад ва вазифалари

Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш, ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш,

узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Ахборот тўғрисидаги қонунчилик

Ахборот тўғрисидаги қонунчилик ушбу Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Кодексда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар;

ахборот мулкдори — ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборотни муҳофаза этиш — ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари;

ахборот соҳаси — субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси;

ахборот эгаси — қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборот хавфсизлиги — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати;

ахборотлаштириш — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни;

ахборот ресурси — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, шу жумладан ахборот тизимларида очик шаклда жойлаштириладиган ёхуд эълон қилинадиган аудио-, видео-, график ва матнли ахборот;

ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори — ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси — қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

ахборот тарқатувчи – ахборот эгаси ёки ахборот мулкдорининг ахборотини, ёхуд ўзи

эгалитидаги маълумотларни чекланмаган доирадаги шахслар учун етказувчи шахс;

ахборот тизими — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

ахборот технологияси — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар;

ахборот маҳсулоти — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиш учун мўлжалланган оммавий ахборот воситалари маҳсулоти, босма маҳсулот, ҳар қандай турдаги ташувчилардаги аудиовизуал маҳсулот, дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган ахборот, компьютер ўйинлари, шунингдек томошабоп тадбирлар воситасида тарқатиладиган ахборот;

блогер — Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс;

ахборот маҳсулотининг айланиши — ахборот маҳсулотини тақдим этиш ва (ёки) тарқатиш, шу жумладан уни сотиш (шу жумладан обуна бўйича тарқатиш), ижарага, прокатга бериш, ахборот-кутубхона муассасалари фондларидан тарқатиш, бериш, оммавий намойиш қилиш, оммавий ижро этиш (шу жумладан эфир ёки кабель узатуви, томошабоп тадбирлар воситасида), телекоммуникация тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи — ахборот маҳсулотини унинг мавзусини, жанрини, мазмунини ва бадиий безагини, муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотни қабул қилиш хусусиятларини, унинг таркибидаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда, болаларнинг ёш тоифалари бўйича тақсимлаш;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси — ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифасининг график ва (ёки) матнли белгиси;

болаларнинг соғлиғи — болаларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлик ҳолати;

болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот — болалар ўртасида тарқатилиши ушбу Кодексга мувофиқ тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулоти;

эксперт — ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш ва эксперт хулосасини бериш ёки ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга ошириш учун махсус Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида аккредитациядан ўтган шахс;

бош муҳаррир — оммавий ахборот воситаси таҳририятини (бундан буён матнда таҳририят деб юритилади) бошқариш ва уни чиқариш учун ваколатга эга бўлган, оммавий ахборот воситаси фаолияти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладиган, шунингдек судда таҳририят номидан иш юритадиган шахс;

даврий босма нашр — доимий номи, жорий адади сонига эга бўлган ва камида олти ойда бир марта нашр этиладиган босма газета, журнал, альманах, ахборот бюллетени ва бошқа ахборот

нашри;

конфиденциал ахборот — фойдаланилиши қонунчиликка мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот;

оммавий ахборот — чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар;

оммавий ахборот воситаси – оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радиоканаллар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар, ахборот агентликлари) олти ойда камида бир марта чоп этиладиган ёки эфирга узатиладиган, эълон қилинадиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари;

оммавий ахборот воситаси маҳсулотлари – даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон тарздаги алоҳида чиқарилиши;

оммавий ахборот воситаси маҳсулотларини тарқатиш – даврий нашрларни тарқатиш (сотиш, обуна, етказиб бериш), радио ва теледастурларни тарқатиш, оммавий ахборот воситаси маҳсулотларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш;

расмий хабар – давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тўғрилиги тасдиқланган ҳолда ўз расмий веб-сайтлари орқали тақдим этиладиган маълумотлар;

таҳририят ходими - таҳририят билан меҳнат шартномасини тузган, материалларни тўплаш, таҳлил, таҳрир қилиш ҳамда тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс;

теле-, радиоканал – дастурлар жадвалига мувофиқ тайёрланган ва (ёки) шакллантирилган теле-, радиодастурлар, телеқўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, фонограмма, ижро ва аудиовизуал маҳсулотлардан таркиб топган, муайян ном остида оммага тарқатиш учун мўлжалланган электрон оммавий ахборот воситаси;

ҳуқуқий ахборот — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, уларга оид расмий шарҳларнинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларнинг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчилик қўлланилиши масалалари бўйича қарорларининг матнлари, шунингдек суд амалиётини умумлаштириш материаллари;

ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш — ҳуқуқий ахборотни эркин олиш ва ундан фойдаланиш имконияти;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш — номуайян доирадаги шахсларни ҳуқуқий ахборот билан таништиришга қаратилган ҳаракатлар;

ҳужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот;

хорижий оммавий ахборот воситаси – муассиси ёки таҳририяти Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган ёхуд муассиси чет эллик жисмоний шахс ҳисобланувчи оммавий ахборот воситаси, шунингдек устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этган юридик шахс тассаруфидаги оммавий ахборот воситаси;

журналист — меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий

ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир;

цензура – давлат органлари, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан оммавий ахборот воситаси маҳсулотлари, хабарлар ва материаллари ёки уларнинг қисмларини тарқатишни чеклаш, тақиқлаш, шу жумладан хабарлар ва материаллар матнини ўзгартириш мақсадида оммавий ахборот воситаси билан олдиндан келишиш (ўзи муаллиф бўлган материал ва интервьюдан ташқари) ёхуд оммавий ахборот воситасини ўз талабини бажаришга мажбурлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар.

2-боб. Ахборот олиш эркинлиги ҳамда ахборотлаштириш

4-модда. Ахборот олиш эркинлиги

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

5-модда. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари

Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари очиқлик, ошқоралик, ахборотдан эркин фойдаланиш ва ҳаққонийлик.

6-модда. Ахборотнинг очиқлиги ва ошқоралиги

Ахборот очиқ ва ошқора бўлиши керак, махфий ва конфиденциал ахборот бундан мустасно.

Махфий ва конфиденциал ахборотга қуйидагилар кирмайди:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари;

очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

ахборот-кутубхона муассасаларининг, архивларнинг, идоравий архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг

очик фондларидаги мавжуд маълумотлар.

Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт.

7-модда. Ахборотдан эркин фойдаланиш

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган бўлиши керак.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганлиги, нотўғри маълумот бергани устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

8-модда. Ахборотнинг ҳаққонийлиги

Ахборот аниқ ва ҳаққоний бўлиши керак.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари, ахборот тарқатувчилар, блогерлар ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққоний эмаслиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

9-модда. Ахборот олиш эркинлиги кафолатлари

Давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

10-модда. Ахборот олиш тартиби

Ҳар ким ахборот олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали оғзаки, ёзма шаклдаги, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклдаги сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили (юримдик шахсларнинг эса реквизитлари) ҳамда сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Сўровлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Ёзма сўровда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги мурожаат этувчининг сўровга ахборот тизими орқали

электрон шаклда жавоб олишга бўлган розилигидир.

Ёзма сўровга, шу жумладан электрон хужжат тарзида юборилган сўровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай жавоб берилиши керак.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт.

Мурожаат этувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот унинг сўровига биноан текинга берилади.

Бошқа ахборотни берганлик учун томонларнинг келишувига мувофиқ ҳақ олиниши мумкин.

11-модда. Ахборот олишни таъминлаш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари билан, шунингдек ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти қонунчилик ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

12-модда. Ахборот беришни рад этиш

Агар сўралаётган ахборот махфий ва конфиденциал бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборотни бериш рад этилиши мумкин.

Сўралаётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида юборилади.

Рад этиш тўғрисидаги хабарда сўралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабаби кўрсатилиши керак.

Махфий ва конфиденциал ахборот мулкдори, эгаси ахборотни сўраётган шахсларни бу ахборотни олишнинг амалдаги чекловлари тўғрисида хабардор этиши шарт.

Ахборот берилиши қонунга ҳилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

13-модда. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

ҳалқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

14-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қуйидагиларни белгиловчи нормалар билан аниқланади:

ахборотни ҳужжатлаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва ахборот тизимларини яратиш тартибини;

ахборот ресурсларига ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқини;

ахборот ресурсларининг улардан эркин фойдаланиш даражаси бўйича тоифасини;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш тартибини;

ахборот тизимларининг тармоқлараро уланиши тартибини.

15-модда. Ахборотни ҳужжатлаштириш

Ахборотни ҳужжатлаштириш ахборотни ахборот ресурсларига киритишнинг мажбурий шартидир. Ахборотни ҳужжатлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсларида сақланадиган ва ишлов бериладиган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ахборот электрон ҳужжат бўлиб, қоғоз ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга.

Электрон ҳужжатни ва электрон рақамли имзони шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар қонун билан тартибга солинади.

16-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келишига қуйидагилар асос бўлади:

ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимларининг давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ёки қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилиши;

ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқининг ўзга шахсга ўтиши шартларини ўз ичига олган олди-сотди шартномаси ёки бошқа битим;

мерос олиш.

Қонунда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

17-модда. Давлат ахборот ресурслари

Давлат ахборот ресурслари қуйидагилардан шакллантирилади:

давлат органларининг ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда махфий ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларидан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган ҳужжатлаштирилган ахборотидан.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳужжатлаштирилган ахборотни мажбурий тақдим этиши тартиби, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун масъул давлат органларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат сирлари ва махфий ахборот жумласига киритилган ахборотни тақдим этиш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

18-модда. Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари

Ахборот ресурслари улардан эркин фойдаланиш тоифалари бўйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади.

Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидир.

Давлат сирлари тўғрисидаги ахборотни, махфий ва конфиденциал ахборотни ёки эркин фойдаланилиши ахборот ресурсларининг мулкдорлари томонидан чеклаб қўйилган ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига киради.

Ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқ асосида эркин тарзда фойдаланишини таъминлаши керак.

Ахборот ресурсларини эркин фойдаланиш тоифаларига киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот ресурсларининг мулкдори томонидан аниқланади.

19-модда. Ахборот ресурсларидан фойдаланиш

Ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга, эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурслари бундан мустасно.

Ахборот ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олинishi мумкин.

Ахборот билан таъминлашга доир ахборот ва хизматлар рўйхатларини, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари ҳақидаги маълумотларни ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгалари фойдаланувчиларга бепул тақдим этади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосларда ахборот ресурсларидан ўзлари олган ахборотдан ахборот манбаини албатта ҳавола этган ҳолда ҳосила ахборот яратиш учун фойдаланишлари мумкин.

Ахборот ресурсларидан ахборот олиш тартибини ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди.

20-модда. Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот шахсга доир маълумотлар тоифасига киради.

21-модда. Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши

Юридик ва жисмоний шахслар ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини таъминлаш мақсадида уларга аниқликлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан юридик ва

жисмоний шахсларнинг эркин фойдаланиши қонун билан чекланиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларга ўзлари тўғрисидаги маълумотларни ичига олган ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишни ахборот ресурсларининг мулкдори ёки эгаси рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

22-модда. Миллий ахборот тизими

Миллий ахборот тизимида давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари киради.

Миллий ахборот тизими давлат бюджети маблағлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилади.

Миллий ахборот тизими унинг таркибига кирувчи ахборот тизимларининг халқаро ахборот тизимлари билан бир-бирига мослигини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

23-модда. Ахборот тизимларидан битимлар тузишда фойдаланиш

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида битимлар тузишда ахборот тизимларидан фойдаланиш қонунчилик билан тартибга солинади.

24-модда. Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

25-модда. Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланади.

3-боб. Давлат органларининг ахборот соҳасидаги ваколатлари

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ахборот соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурларини тасдиқлайди;

ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солишда иштирок этади;

ахборот хавфсизлигини ва ахборот муҳофазасини таъминлаш, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш чораларини кўради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш мезонларини ва тартибини белгилайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан экспертларни аккредитация қилиш тартибини белгилайди;

ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини таъминлайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

ҳуқуқий ахборотни белгиланган тартибда тарқатади, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали тарқатади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг матнларини ҳамда зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни расмий эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига йўллайди;

ҳуқуқий ахборотни ўз вақтида тарқатишга ва ундан фойдаланишни таъминлашга қаратилган зарур тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

27-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ахборот соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

ахборот олиш эркинлиги тамойиллари ва кафолатларига риоя этилишини таъминлайди;

фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда иштирок этади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

давлат органлари ва ташкилотлар ахборот хизматлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиши;

оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиши;

оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасида кадрларни малакасини оширишни ташкил этишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳаси қонунчилигига риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширади;

ахборот соҳасида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари муассисларига огоҳлантириш ҳамда ижро учун мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

ахборот соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишга ҳамда ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, ахборот маҳсулотининг болаларнинг муайян ёш тоифасига мувофиқлигини ёки мувофиқ эмаслигини аниқлаш мақсадида уни экспертизадан ўтказишга жалб этиладиган экспертларни аккредитациядан ўтказишни амалга оширади ва уларнинг реестрини юритади;

ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатмалар юборади;

ахборот маҳсулотига эксперт хулосаларини тақдим этишга доир фаолиятни мувофиқлаштиради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат ноижорат ташкилотларига ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ёрдам беради ва кўмаклашади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги маҳаллий ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади;

болалар учун ахборот маконининг мазмунини тизимли равишда баҳолашга қаратилган илмий, илмий-техникавий ва амалий тадқиқотларни ривожлантиради;

болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш мезонлари, механизмлари ҳамда услубларини такомиллаштиришга доир ишларни юритади, болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг дастурий-аппарат ва техника воситаларини жорий этишни ташкил этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини ташкил этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ахборот соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўмаклашади;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари яратилишига кўмаклашади;

ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади;

ахборот тизимлари ва ахборот технологияларининг техника воситалари ҳамда хизматларини сертификатлаштириш ишларини ташкил этади;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ўз ахборот ресурслари ҳамда ахборот тизимлари муҳофаза этилишини таъминлаш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини ривожлантиришга кўмаклашади;

ахборотлаштириш соҳасида маркетинг тадқиқотлари ва мониторингни ташкил этади;

ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб ахборот хавфсизлигини ҳамда ахборот тизимларидан устувор фойдаланилишини таъминлайди.

29-модда. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ахборот соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштиради ва доимий мониторинг қилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган давлат органлари ва ташкилотларига тааллуқли бўлган маълумотларни расмий веб-сайтига жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятлари ҳисобини юритади;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан оммавий ахборот воситалари орқали самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича чораларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига кўмаклашади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигига оид долзарб масалаларни умумхалқ муҳокамасига чиқаради;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқликни таъминлашга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар беради;

очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини узлуксиз тўлдириш, такомиллаштириб бориш ва янгилаб бориш орқали давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ҳисобдорлигини оширади.

30-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ахборот соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

давлат органларидан ва ташкилотлардан улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ҳамда зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартиш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали ва бошқалар) қоғозда ва электрон шаклда олади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг ҳамда зарур бўлган тақдирда, тегишли ахборот-таҳлилий материалларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органларига ва ташкилотларга электрон шаклда юборилишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий эълон қилинишини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва қонунчиликни тизимлаштириш ишларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фондини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини шакллантиради ҳамда юритади, ундан жисмоний ва юридик шахсларнинг белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг ишини ташкил этади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни, бу фаолиятга услубий раҳбарлик қилиш ҳамда уни назорат қилишни амалга оширади;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторингни ташкил этади;

ҳуқуқий ахборотнинг тарқатилиши ҳолатини тизимли тарзда таҳлилдан ўтказиш ҳамда мазкур соҳадаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат ноижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда жамиятда ҳуқуқий тарғиботни ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий тадбирлар режасини тасдиқлайди;

ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

31-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

ҳудудларда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, журналист ва блогерлар билан муносабатларда ўз фаолиятининг очиклигини таъминлайди;

оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, журналист ва блогерлар учун ўз фаолияти тўғрисида расмий маълумотларни тақдим этиб боради;

ҳуқуқий ахборотни белгиланган тартибда тарқатади, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш, ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш орқали тарқатади;

ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарорларнинг матнларини ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига унинг ҳудудий органлари орқали йўллайди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидаги нормаларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга доир, жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган зарур ишларни ташкил этади;

ҳуқуқий ахборот фондларини шакллантиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига кўра уларга ҳуқуқий ахборотни тақдим этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби ҳақида белгиланган тартибда тушунтиришлар беради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

болаларнинг ҳар томонлама, баркамол ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар ваколатлари

32-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар тизими

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга

оширувчи органлар ва ташкилотлар тизимида қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги;

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва ташкилотлар болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади.

33-модда. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссияларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

34-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга қаратилган дастурлар ва услубларни ишлаб чиқади ҳамда таълим муассасаларининг фаолиятига жорий этади;

таълим, ўқув-тарбия муассасаларида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг таълим олиш, билим орттириш ва мулоқот фаолияти жараёнида болаларга психологик ёрдам кўрсатади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида яқка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

таълим муассасаларида болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олмаган ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

35-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан жабрланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

ахборот маҳсулотини унда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлигини аниқлаш учун баҳолаш мезонларини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

36-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний

қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига қўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида яқка тартибдаги профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

37-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

5-боб. Ахборот хавфсизлиги

38-модда. Ахборотни муҳофаза этиш

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфий ва конфиденциаллигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

39-модда. Шахнинг ахборот хавфсизлиги

Шахнинг ахборот хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар конфиденциал ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

40-модда. Жамиятнинг ахборот хавфсизлиги

Жамиятнинг ахборот хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатишга қарши курашиш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот хуружига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

41-модда. Давлатнинг ахборот хавфсизлиги

Давлатнинг ахборот хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

42-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан болаларни ҳимоя қилишни таъминлашнинг маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларини, дастурий-аппарат ва техника воситаларини қўлламай туриб, ушбу ахборотнинг жамоат жойларида айланишига йўл қўйилмайди.

Жамоат жойларида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган босма маҳсулот тарзидаги ахборот маҳсулотини фақат ёпик ўровларда тарқатишга йўл қўйилади.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотининг болалар учун мўлжалланган таълим, болалар тиббиёт, санаторий-курорт, жисмоний тарбия-спорт муассасаларида, болаларнинг маданият, дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотларида тарқатилишига йўл қўйилмайди.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотини томошабоп тадбир орқали намойиш этишда бевосита томошабоп тадбир бошланишидан олдин ушбу тадбирда тегишли ёш тоифаларидаги болаларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслиги ҳақида ёки иштирок этиши чекланиши тўғрисида овозли хабар эълон қилинади.

Болаларнинг ўз ёш тоифасига мос келмайдиган ахборот маҳсулоти намойиш этиладиган томошабоп тадбирларни ташкил этишда ва ўтказишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

43-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шаҳс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талкин этишга доир ружсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари, махфий ва конфиденциал ахборотни сақлаш.

44-модда. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда конфиденциал ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда конфиденциал ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

45-модда. Интернет жаҳон ахборот тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказиладиган йиғилишлар, митингларда, кўча юришларида ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиларга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;

жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни тарқатиш;

ғиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни, зўравонликни ва шафқатсизлик, бир жинслилар ўртасидаги ғайритабиий алоқаларни тарғиб қилиш, шунингдек ўз жонига қасд қилишга даъват этиш;

фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер:

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ёхуд бошқа ахборот ресурсига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилгунига қадар унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда, уни дарҳол ўчириб ташлаши;

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайти ва (ёки) веб-сайт саҳифалари ёхуд бошқа ахборот ресурсининг, шу жумладан тезкор хабарлар алмашиш тизимларининг мониторингини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот ва материалларни аниқлаш мақсадида амалга ошириши;

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот аниқланган тақдирда, дарҳол мазкур ахборотни ўчириб ташлаш чораларини кўриши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаган тақдирда, мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда чекланиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган талабларни бузганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талаблар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаганлиги натижасида ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган шахслар ўз ҳуқуқларини, шаъни, кадр-қимматини ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш учун, шу жумладан зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги даъволар билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

46-модда. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот жумласига болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти, шунингдек муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулоти киради.

Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти жумласига:

болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан ўз соғлиғига зарар етказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган;

болаларда алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиш, қимор ўйинларида, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш, фоҳишалик, дарбадарлик, тиланчилик ёки ғайририжтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланиш истагини пайдо қиладиган;

одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёки оқлайдиган ёхуд зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундайдиган;

оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, шунингдек ота-онасига ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурматсиз муносабатни шакллантирадиган;

ғайриқонуний хулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келадиган;

жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этишга чақирадиган;

уятли сўзларни ўз ичига олган;

порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган;

ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида жабрланган болалар тўғрисидаги, шу жумладан бундай боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакилларининг фото- ва видеотасвирлари, бундай боланинг туғилган санаси, унинг овози ёзилган аудиотасма, яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи, ўқиш ёки иш жойи тўғрисидаги, бундай боланинг шахсини бевосита ёхуд билвосита аниқлашга имкон берадиган бошқа ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради.

Муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулоти жумласига:

шафқатсизлик, жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик, жиноят ёки жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар тасвири ёки баёни тарзида тақдим этиладиган;

болаларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган, шу жумладан куч ишлатилмаган ўлимни, касалликни, ўз жонига қасд қилишни, бахтсиз ҳодисани, аварияни ёки фалокатни ва (ёки) уларнинг оқибатларини инсон қадр-қимматини камситадиган шаклда тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

уятли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради.

47-модда. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) тарқатувчилар томонидан, шу жумладан экспертларни жалб этган ҳолда,

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш бошлангунига қадар амалга оширилади.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи экспертни ёки экспертларни жалб этган ҳолда белгиланган тақдирда, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш билан боғлиқ хизматларнинг ҳақини тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш ушбу хизматларга буюртма берган ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ёки тарқатувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи уни болаларнинг куйидаги ёш тоифаларидан бирига киритиш йўли билан амалга оширилади:

етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «0+» ёзувини акс эттириши керак);

етти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «7+» ёзувини акс эттириши керак);

ўн икки ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «12+» ёзувини акс эттириши керак);

ўн олти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «16+» ёзувини акс эттириши керак);

болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «18+» ёзувини акс эттириши керак).

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишда:

унинг мавзуси, жанри, мазмуни ва бадиий беазаги;

муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотнинг идрок этилиш хусусиятлари;

ундаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли баҳоланади.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи тўғрисидаги маълумотлар ушбу маҳсулотга ахборот маҳсулоти ёшга оид таснифининг тегишли белгисини жойлаштириш учун асос бўлади.

48-модда. Ахборот маҳсулотининг айланишига доир умумий талаблар

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларга, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот айланишининг шарт-шароитлари бузилганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатмалар юборилади.

49-модда. Ахборот маҳсулоти айланишининг хусусиятлари

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан болаларни химоя қилишни таъминлашнинг маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларини, дастурий-аппарат ва техника воситаларини қўлламай туриб, ушбу ахборотнинг жамоат жойларида айланишига йўл қўйилмайди.

Жамоат жойларида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган босма маҳсулот тарзидаги ахборот маҳсулотини фақат ёпиқ ўровларда тарқатишга йўл қўйилади.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотининг болалар учун мўлжалланган таълим, болалар тиббиёт, санаторий-курорт, жисмоний тарбия-спорт муассасаларида, болаларнинг маданият, дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотларида тарқатилишига йўл қўйилмайди.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотини томошабоп тадбир орқали намойиш этишда бевосита томошабоп тадбир бошланишидан олдин ушбу тадбирда тегишли ёш тоифаларидаги болаларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслиги ҳақида ёки иштирок этиши чекланиши тўғрисида овозли хабар эълон қилинади.

Болаларнинг ўз ёш тоифасига мос келмайдиган ахборот маҳсулоти намойиш этиладиган томошабоп тадбирларни ташкил этишда ва ўтказишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

50-модда. Ахборот маҳсулотининг экспертизаси

Ахборот маҳсулотининг унда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, унинг ушбу Кодекснинг 46 ва 47-моддаларига мувофиқ болаларнинг муайян ёш тоифасига мослигини ёки мос эмаслигини аниқлаш учун экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг қарорига кўра эксперт ёки экспертлар томонидан ўтказилади.

Аккредитация қилинган экспертларнинг реестридаги маълумотлардан манфаатдор шахсларнинг фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали таъминланади.

Экспертларни аккредитация қилиш тартиби, шунингдек ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишга ва ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, унинг муайян ёш тоифасидаги болаларга мослигини ёки мос эмаслигини аниқлаш учун ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказишга жалб этиладиган экспертларнинг реестрини юритиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

51-модда. Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш

Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида мурожаат келиб тушганидан кейин кўпи билан беш кун муддатда қабул қилинади.

Ахборот маҳсулотининг экспертизасини ўтказиш муддати мурожаат келиб тушган пайтдан эътиборан ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Ахборот маҳсулотининг экспертизаси тугагач, экспертлар ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, унинг муайян ёш тоифасига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига уч кун ичида эксперт хулосаларини юборади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги эксперт хулосасини олгандан сўнг уч кун ичида уни мурожаат ташаббускорига юборади.

Эксперт хулосасининг шакли ва мазмунига доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан белгиланади.

Эксперт хулосаси мавжуд бўлган ахборот маҳсулотининг айланиш соҳаси ўзгарган тақдирда ушбу ахборот маҳсулоти учун бошқа эксперт хулосасини олиш талаб этилмайди.

52-модда. Ёшга оид таснифнинг ва ахборот маҳсулоти экспертизасининг ҳуқуқий оқибатлари

Ахборот маҳсулотининг муайян ёш тоифасидаги болаларга мослиги учун жавобгарлик ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширган субъектнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан эксперт хулосасига мувофиқ ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатмалар юборилади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

АХБОРОТ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ ҲАМДА УНИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

6-боб. Оммавий ахборот воситалари

53-модда. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркиндир.

Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат оммавий ахборот воситасининг фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк ҳуқуқини, давлат органлари ва ташкилотларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ноҳолислиги ва ишончсизлиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

54-модда. Оммавий ахборот воситалари эркинлигини сунистеъмом қилишга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситаларидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек ёлғон ахборот тарқатиш;

агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни, бир жинслилар ўртасидаги ғайритабиий алоқаларни тарғиб этиш;

қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, уларни ҳақоратлаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадиган фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашиб тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рұхсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади.

55-модда. Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмайди.

Биронта ҳам юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситаларининг тегишли марказий ёки маҳаллий бозорига чиқариладиган оммавий ахборот воситаларининг йигирма беш фоиздан ортиғига муассис (ҳаммуассис) бўлишга ва (ёки) уларни шунча миқдорда ўз мулкида, эгаллигида, фойдаланишида, тасарруфида, юритувида ёхуд бошқарувида (бевосита ёки аффилиланган шахслар орқали) сақлашга ҳақли эмас.

56-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.

Давлат органлари, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан оммавий ахборот воситаси маҳсулотлари, хабарлар ва материаллари ёки уларнинг қисмларини тарқатишни чеклаш, тақиқлаш, шу жумладан хабарлар ва материаллар матнини ўзгартириш мақсадида оммавий ахборот воситаси билан олдиндан келишиш (мансабдор шахснинг ўзи муаллиф бўлган материал ва унинг интервьюсидан ташқари) ёхуд оммавий ахборот воситасини ўз талабини бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

57-модда. Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат оммавий ахборот воситаларини қуйидаги йўллар билан қўллаб-қувватлаши мумкин:

солиқлар ва йиғимлар ҳамда тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш;

давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари тизими орқали молиявий қўллаб-қувватлаш;

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тахририятлар ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари фаолиятини ташкил этиш;

тахририятлар ходимларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан оммавий ахборот воситаларининг мустақил касбий фаолиятини чеклаб қўйиш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан оммавий ахборот воситаларининг мустақил касбий фаолиятини чеклаб қўйиш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

7-боб. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш

58-модда. Оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситаси бир нечта муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

Қуйидагилар оммавий ахборот воситасининг муассиси (бундан буён матнда муассис деб юритилади) бўлиши мумкин эмас:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс;

фаолияти қонун билан тақиқланган ташкилот.

Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этган юридик шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари таъсис этилишига йўл

қўйилмайди.

59-модда. Таъсис ҳужжатлари

Оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжатлари таъсис шартномаси ва таҳририятнинг уставидан (низомидан) ёки фақат таҳририятнинг уставидан (низомидан) иборатдир.

60-модда. Таъсис шартномаси

Таъсис шартномаси бир нечта муассис ўртасида тузилади.

Таъсис шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

муассисларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва жойлашган ери (почта манзили);

таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг тури, номи, тили, мақсади, ихтисослашуви ва даврийлиги;

таҳририятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

таҳририятнинг устав фонди миқдори ва шакллантириш тартиби;

таҳририятни молиялаштириш манбалари;

муассисларнинг таҳририят фаолиятида иштирок этишга доир ҳуқук

ва мажбуриятлари;

таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби;

фойдани тақсимлаш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби;

оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби;

Қонунчиликка мувофиқ бошқа шартлар.

61-модда. Таҳририят устави (низом)

Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган ва муассис томонидан тасдиқланган устав (низом) асосида фаолият кўрсатади.

Таҳририят уставида (низомида) қуйидагилар белгиланади:

оммавий ахборот воситасининг тури, номи, тили, мақсади, ихтисослашуви, даврийлиги ва ҳажми;

таҳририятнинг жойлашган ери (почта манзили);

муассис ва таҳририятнинг ҳуқук ҳамда мажбуриятлари;

таҳририятни молиялаштириш манбалари;

таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби;

фойдани тақсимлаш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби;

оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асослари ва тартиби;

тахририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

уставни (низомни) қабул қилиш ва унга ўзгартишлар киритиш тартиби;

қонунчиликка мувофиқ бошқа қоидалар.

62-модда. Муассис ва тахририят ўртасидаги шартнома

Муассис ва тахририят ўртасидаги шартномада қуйидагилар белгиланади:

муассис ва тахририятнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари;

оммавий ахборот воситасини тайёрлаш ва чиқариш шартлари;

тахририят фаолиятини молиялаштириш тартиби;

тахририят ходимларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший меҳнат шароитларини ташкил этиш тартиби;

учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар тартиби;

тарафларнинг жавобгарлиги;

қонунчиликка мувофиқ бошқа шартлар.

Агар муассис ва тахририят сифатида бир шахс иш юритса, шартнома тузиш талаб этилмайди.

63-модда. Оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бериш тартиб-таомиллари

Оммавий ахборот воситасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома электрон шаклда берилади.

Оммавий ахборот воситасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома муддатсиз берилади.

Оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунига асосан тартибга солинади.

Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

64-модда. Рўйхатдан ўтказилмайдиган оммавий ахборот воситалари

Қуйидагиларнинг рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмайди:

фақат ўз расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий

хужжатларини эълон қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этиладиган оммавий ахборот воситалари;

корхона, муассаса, ташкилотнинг (шу жумладан ўқув ва илмий муассасанинг) ўз эҳтиёжларини қондириш учун адади юзтагача нусхада чоп этиладиган даврий босма нашрлар;

кабель тармоқлари орқали олиб бериладиган (кўрсатиладиган) теле-, радиодастурлар, шунингдек тарқатилиши бир корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан ўқув ва илмий муассаса) биноси ва (ёки) худуди билан чекланадиган аудио-, аудиовизуал хабар ва материаллар.

65-модда. Муассиснинг ҳуқуқлари

Муассис:

оммавий ахборот воситасининг рўйхатда қайд этилган номидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантиришда таъсис шартномаси, таҳририят устави (низоми) ва қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиш;

фойдани тақсимлашда ва зарарларнинг ўрнини қоплашда иштирок этиш;

энг катта ҳажми ва чиқариладиган муддати таҳририят уставига (низомига) ёки муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланадиган, реклама тусида бўлмаган хабар ёки материални ўз номидан оммавий ахборот воситасида бепул жойлаштириш;

таҳририятнинг фаолияти тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини қонунчиликда назарда тутилган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

66-модда. Муассиснинг мажбуриятлари

Муассис:

таҳририятни ташкил этиши;

таҳририят устави (низомини) тасдиқлаши;

таҳририят билан шартнома тузиши;

оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таъминлаши;

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаши;

муассиснинг устав фонди ўзгарганлиги ҳақида, агар устав фондида чет эл инвестициялари улуши ўттиз фоиз чегарадан ортиб кетган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини хабардор этиши шарт.

67-модда. Таҳририят ва бош муҳаррир

Таҳририят оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмасидир.

Таҳририят қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Таҳририят ўз касб фаолиятида мустақилдир.

Таҳририят бош муҳаррир ва таҳририят ходимларидан иборат бўлиши мумкин.

Таҳририят оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўз фаолиятини бошлаши мумкин.

Таҳририят фаолиятини молиялаштириш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Таҳририятга муассис томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош муҳаррир раҳбарлик қилади.

Бош муҳаррир таҳририятга раҳбарлик қилади, оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг фаолияти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ бош муҳаррир оммавий ахборот воситасининг муассиси, тарқатувчиси, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда, шунингдек судда таҳририят номидан иш юритади.

8-боб. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари

68-модда. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотини тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шунингдек белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаси бошқа оммавий ахборот воситаларининг хабарларини ёхуд давлат органлари ва ташкилотларининг расмий хабарларини тарқатса, мазкур хабар олинган манбага ҳавола бериши лозим.

Босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш уларга обуна ташкил этиш, шунингдек чакана савдо тармоғи орқали амалга оширилади. Даврий босма нашрлар ададини чакана савдо орқали, шу жумладан қўлда сотиш нашрлар таҳририятларининг штатдаги тарқатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир алоҳида чиқарилишининг тарқатилишига бош муҳаррир унинг чиқарилиши учун рухсат берганидан кейингина йўл қўйилади.

Кўрсатув ва эшиттириш узлуксиз давом этганда оммавий ахборот воситаси маҳсулотининг тарқатилишига бош муҳаррир дастлабки рухсат берган пайдан эътиборан ҳамда кўрсатув ва эшиттиришдаги танаффусга қадар йўл қўйилади.

69-модда. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишига доир маълумотлар

Ҳар бир даврий босма нашрнинг чиқарилишида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

даврий босма нашрнинг номи;

муассис (муассислар), номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

даврий босма нашрни тартиб рақами ва чиқарилган санаси, даврий босма нашрлар учун эса босишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақт (жадвалда белгилангани ва амалдагиси), адади;

таҳририят ва босмаҳонанинг манзили (почта манзили);

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи белгиси.

Даврий босма нашрнинг электрон шаклида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

даврий нашрнинг номи;

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг санаси ва рақами;

муассис (муассислар) номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

индекс, таҳририятнинг манзили (почта ва электрон манзили).

Телеканалнинг чиқарилишида оммавий ахборот воситасининг номи ёки унинг қисқартирилган номи, шунингдек ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи белгиси бўлиши лозим.

Радиоканал чиқарилиши учун ҳар бир радиоэшиттириш бошланишидан аввал ушбу радиодастурнинг номи (агар мавжуд бўлса) ҳамда ёшга оид чекловлар тўғрисида овоз ҳамроҳлигида товушли огоҳлантириш жойлаштирилиши шарт.

70-модда. Даврий босма нашрнинг электрон шакли

Ахборот ташувчи жисмларга ёзилган, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилган, электрон техник қурилмалар ёрдамида фойдаланишга мўлжалланган газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқа даврий босма нашрлар даврий босма нашрнинг электрон шаклидир.

Даврий босма нашрнинг электрон шакли даврий босма нашрни тарқатиш усулларида биридир.

Тегишли даврий босма нашрнинг босма ва электрон шакллариининг мазмуни айнан бир хил бўлган ҳамда қонунчилик талабларига риоя этилган тақдирда, даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шаклини мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказмасдан тарқатишга ҳақлидир.

Даврий босма нашрнинг босма шаклида мавжуд бўлган реклама хабарларининг электрон шаклдан олиб ташланиши ва (ёки) бутунлай ёки қисман алмаштирилиши, шунингдек электрон шаклда ифодаланган материаллар ҳажмининг босма шаклидагига нисбатан қисқартирилиши мазмуннинг айнан бир хиллиги бузилиши деб қаралмайди.

Даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шакли тарқатилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва

оммавий коммуникациялар агентлигини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

71-модда. Даврий босма нашрларга иловалар

Даврий босма нашрлар иловалар билан бирга чиқарилиши ва тарқатилиши мумкин. Иловалар қайси даврий нашрга тааллуқли бўлса, уларда ўша асосий даврий босма нашрнинг номи кўрсатилиши керак.

Даврий босма нашрнинг алоҳида номга эга бўлган иловаларига мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида қаралади ва у умумий асосларда рўйхатдан ўтказилади.

72-модда. Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаси

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситаси Интернет тармоғидаги тахририй-ноширлик жиҳатидан ишлов берилган, ўзгартирилмаган тарзда тарқатиш учун мўлжалланган, электрон шаклдаги ҳужжатлар ва маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурсидир.

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзидаги оммавий ахборот воситасининг мазкур веб-сайти бош саҳифасида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

даврий нашрнинг номи;

давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва гувоҳнома рақами;

муассиснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми.

73-модда. Назорат нусхалари ва мажбурий нусхалар

Даврий босма нашрларнинг назорат нусхалари муассисга ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасига бепул юборилади.

74-модда. Оммавий ахборот воситаларида давлат тили ва бошқа тиллар қоидаларининг қўлланиши

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширади.

Оммавий ахборот воситалари муассис ихтиёрига кўра тахририятнинг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг бошқа расмий тилларда ҳам чиқарилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларида беодоб ҳамда уятли сўз ва иборалардан фойдаланишга, шу жумладан сўкинишга йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситаларида у чиқарилаётган тилнинг илмий қоидалари ва нормаларига амал қилиниши шарт.

75-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Чет давлатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан қонунчилик талаблари бузилган тақдирда, уларнинг маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш тугатилиши мумкин.

76-модда. Ахборот хабарларини ва (ёки) материалларни тўплаш ва сақлаш

Оммавий ахборот воситаларининг ахборот хабарларни ва материалларни тўплаш ҳуқуқи кафолатланади.

Оммавий ахборот воситалари томонидан жамоат жойлари, бино ва иншоотларни фото ва видео суратга олиш ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилади, рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган ҳамда барча турдаги суратга олиш тақиқланганлиги ҳақидаги тегишли кўрсаткичлар ўрнатилган объектлар бундан мустасно.

Таҳририят ўзи тарқатган ахборот хабарлари ва (ёки) материалларнинг нусхаларини улар тарқатилгандан кейин камида уч ой давомида сақлаши шарт.

77-модда. Расмий хабарлар ва ахборотни эълон қилиш

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари шу органларнинг расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини эълон қилиши шарт.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги давлат органларининг шошилиш хабарлари жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш мақсадида барча оммавий ахборот воситаларида бепул эълон қилинади. Бунда давлат органларининг расмий хабарларидан ташқари аҳоли орасида расмий асоси мавжуд бўлмаган маълумотлар ва қонунчиликка зид материалларни тарқатиш тақиқланади.

Ушбу модданинг биринчи — иккинчи қисмларида назарда тутилганидан бошқа ҳар қандай ахборот, хабар ва эълон таҳририят билан тузиладиган шартнома асосида эълон қилинади.

78-модда. Ахборот агентлиги

Ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, фаолияти ахборот хабарлари ва материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатишга қаратилган юридик шахсдир.

Ахборот агентликларига бир вақтнинг ўзида оммавий ахборот воситасининг таҳририяти, тарқатувчиси мақоми татбиқ этилади.

Ахборот агентлиги томонидан таъсис этиладиган, доимий номга эга бўлган ахборотнома, хабарнома, бошқа нашр ёки дастур белгиланган тартибда оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилади.

Ахборот агентлигининг хабарлари ва материаллари бошқа оммавий ахборот воситаси томонидан тарқатилган тақдирда, ахборот агентлигининг номи кўрсатилиши шарт.

79-модда. Оммавий ахборот воситалари учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиши

Оммавий ахборот воситалари фото- ва видеоматериалларни тайёрлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда рухсатнома олиш орқали тегишли давлат органи томонидан белгилаб берилган ҳудудларда, юз метргача бўлган баландликда, вазни уч килограммдан зиёд бўлмаган учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиши мумкин.

Тегишли рухсатнома берилган учувчисиз учадиган аппаратлардан таҳририят ходимининг шахсий манфаатларида фойдаланиш тақиқланади.

9-боб. Оммавий ахборот воситаларининг давлат органлари ва ташкилотлари ва фуқаролар билан муносабатлари

80-модда. Муаллиф материалларидан ва хатлардан фойдаланиш

Оммавий ахборот воситаларида муаллиф материалларидан, фан, адабиёт, санъат ва аудиовизуал асарлардан халқаро шартномалар ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланилишига йўл қўйилади.

Таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тайёрлаш чоғида уларнинг мазмунини бузмаган ҳолда матнини қисқартириш ҳамда таҳрир қилишга йўл қўйилади.

Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч ким ҳақли эмас.

81-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик

Таҳририят ўз номини ошкор этмаслик шарти билан берилган ахборот, маълумотлар, фактлар ёки далиллар манбаининг номини, шунингдек таҳаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Таҳририят ахборот манбаининг ёки таҳаллусини қўйган муаллифнинг талабига биноан уларнинг номидан судда иштирок этиши мумкин.

82-модда. Вояга етмаган шахснинг номини ошкор этмаслик

Таҳририят тарқатилаётган хабар ва материалларида ноқонуний хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида жабрланган вояга етмаганлар тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, фотосурати ва видео тасвирларини, овозининг аудио ёзуви, доимий турар жойи ёки вақтинчалик турар жойи ҳақидаги маълумотларни вояга етмаган

шахснинг, унинг ота-онаси ёки қонуний вакилининг розилигисиз ошкор этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ушбу ахборот қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли жабрланган вояга етмаган шахснинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тарқатилаётган бўлса бундан мустасно.

83-модда. Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи

Юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Эълон қилинган материал туфайли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар мазкур оммавий ахборот воситасида раддия ёки жавобни эълон қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб берилишига сабаб бўлган материал босилган айни ўша саҳифада махсус руқн остида эълон қилиниши керак.

Раддия ёки жавоб газеталарда улар олинган кундан эътиборан бир ой ичида, бошқа даврий нашрларда навбатдаги сонда эълон қилиниши шарт.

Теле-, радиоканаллар ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон шакллари таҳририяти томонидан олинган раддия ёки жавоб айнан ўша дастур ёки туркумда, келган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай эфирга берилади.

Агар раддия ёки жавобни эълон қилиш ҳажми ва вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказиши мумкин бўлса, матнни ахборот манбаи ёки муаллиф билан келишилган ҳолда асосланган таҳрир қилишга йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситаси раддияни, жавобни эълон қилишдан бўйин товласа ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ўзининг шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро раддия беришни таҳририятдан талаб қилиш билан бир қаторда маълумотларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

84-модда. Оммавий ахборот воситасининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўрови

Оммавий ахборот воситаси давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки, ёзма шаклда ёки электрон ҳужжат шаклида мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан беш кун муддатда кўриб чиқилади.

Агар оммавий ахборот воситасининг сўровини кўриб чиқиш давлат органлари ва ташкилотлари ваколатлари жумласига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ўзининг ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, оммавий ахборот воситаси эса бу ҳақда хабардор қилинади.

Сўров рад этилган тақдирда, оммавий ахборот воситасига асослангирилган жавоб юборилади.

85-модда. Оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан муносабатлари

Оммавий ахборот воситалари тахририятлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлисларида иштирок этишлари ҳамда маълумот олишлари мумкин. Зарурат сабабли Олий Мажлис палаталари томонидан ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатлар бундан мустасно.

Оммавий ахборот воситалари давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

86-модда. Оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан муносабатлари

Оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида иштирок этишлари ҳамда маълумот олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси оммавий ахборот воситаларига давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилмаган норматив-ҳуқуқий тусга эга қарорлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини чеклайдиган ёки эркин фаолият юритишига тўсқинлик қиладиган норматив-ҳуқуқий тусга эга қарорлар қабул қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу кодексда белгиланган вазифалари бундан мустасно.

87-модда. Оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикасининг суд органлари билан муносабатлари

Оммавий ахборот воситалари вакиллари очик суд мажлисларида монеликсиз иштирок этишлари ҳамда судлар фаолияти тўғрисида эркин ахборот олишлари мумкин.

Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида тарқатиш суд мажлисида раислик қилувчининг розилиги билан амалга оширилади. Фуқаролик иши кўрилайётган суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида тарқатишга суд мажлисида раислик қилувчининг ва тарафларнинг розилиги талаб этилади.

Қонунда белгиланган ҳолларда ўтказиладиган ёпиқ суд мажлислари ва давлат сирига

мансуб ахборотлар бундан мустасно.

88-модда. Оммавий ахборот воситаларини давлат органлари ва ташкилотлари билан муносабатлари

Давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари йил якунидан кейин ўттиз кунлик муддатда, ўз фаолияти бўйича матбуот анжумани шаклида оммавий ахборот воситаларига даврий ҳисобот бериб боради.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари олдида даврий ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича ташкилий-техникавий, ахборот-таҳлилий ва бошқа зарур чора-тадбирларни ахборот хизматлари амалга оширади.

89-модда. Оммавий ахборот воситаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашдаги иштироки

Оммавий ахборот воситалари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ёритиши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

90-модда. Оммавий ахборот воситаларида гендер тенглик

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, давлат органлари ва ташкилотлари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари ёритилишида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтирилиши ҳамда фуқароларнинг хабардорлигини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриши мумкин.

Таҳририятларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатланиши лозим.

Оммавий ахборот воситалари орқали жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш тақиқланади. Оммавий ахборот воситаларида ахборот тарқатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун

тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принципларига риоя этилади.

91-модда. Халқаро ҳамкорлик

Оммавий ахборот соҳасидаги халқаро ҳамкорлик халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилик асосида амалга оширилади.

Хорижий давлатлар ва ташкилотлар, чет эл фуқаролари томонидан оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида тўғридан-тўғри беғараз қўмак ажратилишига йўл қўйилмайди.

92-модда. Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг ваколатхоналари ва вакиллари аккредитация қилиш

Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг ваколатхоналари ва вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини амалга оширади.

Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ваколатхоналари ва вакиллари ҳуқуқий мақоми ҳамда касбий фаолиятини амалга ошириш шартлари қонунчилик билан белгиланади.

10-боб. Журналистлик фаолият

93-модда. Журналистнинг ҳуқуқлари

Журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

ахборотни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

журналист текшируви ўтказиш;

ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида ҳозир бўлиш;

журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган

худудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга муурожаат қилиш;

башарти қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

тақдим этган хабарининг мазмуни оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

жамоат бирлашмаларига, шу жумладан журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.

Журналист ўзига қонунчилик билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

94-модда. Журналистнинг мажбуриятлари

Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

қонунчилик билан қўриқланадиган сирни ошкор этмаслиги;

журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши;

шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

Журналист қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт.

95-модда. Журналистика соҳасининг сир

Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ўз номини ошкор этмаслик шarti билан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сир ҳисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сир ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиши, шунингдек улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши тақиқланади.

96-модда. Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари

Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистнинг шахсига ва ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида унинг хулқ-атворига қўйиладиган талабларни белгиловчи қоидалар мажмуидан иборатдир.

Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг бирлашмалари томонидан белгиланади.

97-модда. Журналистнинг дахлсизлиги

Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади.

Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

98-модда. Журналист текшируви

Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга.

Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

99-модда. Журналистнинг касбига доир фаолияти кафолатлари

Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қиммати қонун билан қўриқланади.

Давлат журналистга ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Журналистнинг журналистлик фаолиятига аралаштиш, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида олган бирор бир маълумотни талаб этиш тақиқланади.

100-модда. Журналистни аккредитация қилиш

Журналист давлат органи, жамоат бирлашмаси ва ташкилот ҳузурида аккредитация қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг журналисти хорижий давлатда аккредитация қилиниши мумкин.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига аккредитация қилиниши мумкин.

Аккредитация қилинган журналист:

бўлиб ўтадиган очик ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;

аккредитация қилувчи органнинг биноларига (хоналарига) ва бошқа объектларига аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда кириш;

очик ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

аккредитация қилувчи органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиш, оммавий тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ҳамда улардан кўчирма нусхалар олиш;

олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситалари материалларини тайёрлашда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Аккредитация қилинган журналист қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

101-модда. Ўзбекистон Республикаси журналистининг чет элдаги ва чет эл журналистининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг журналисти чет элда журналистлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ва ўзи аккредитация қилинган мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган чет эл журналисти ахборот тўплаш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикаси журналисти билан тенг ҳуқуқларга эга.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига риоя этиши шарт.

102-модда. Чет эл журналисти аккредитациясининг бекор қилиниши

Чет эл журналисти ушбу Қонунни, бошқа қонунчилик ҳужжатларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унинг аккредитациясини бекор қилиши мумкин.

Чет эл журналисти ўзининг Ўзбекистон Республикасидаги аккредитациясини бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги чиқарган қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

103-модда. Журналистлик фаолиятнинг ҳимояси

Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари:

цензура қилганлик;

журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;

журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;

журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик;

журналистнинг материаллари ва зарур техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйганлик;

ахборот манбаини ёки муаллиф номини унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

Журналистнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг журналистлик касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва кадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

104-модда. Журналистлик масъулият

Журналист ўзи тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардир.

Журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайди:

агар бу маълумотлар расмий хабарлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ёки расмий статистика ҳисоботлари маълумотларидан ёхуд ахборот агентликлари ёки давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари орқали, шунингдек уларнинг расмий веб-сайтларидан олинган бўлса;

агар бу маълумотлар олдиндан ёзиб олинмасдан эфирга бериладиган муаллифлик чиқишларида мавжуд бўлса ёки чиқишларнинг сўзма-сўз такрорланиши (стенография, аудио-, видеоёзуви) бўлса.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

АХБОРОТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ИШТИРОКИ

11-боб. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ахборотнинг таъминланиши

105-модда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлиги таъминланади. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлиги қуйидаги принципларга асосланади:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончилиги;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш.

106-модда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборот

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:

давлат органлари ва ташкилотларининг, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мақомини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш вазияти соҳасидаги мониторинги тўғрисида ахборот;

бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланилиши, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисида, давлат органлари ва ташкилотлари мақсадли жамғармалари ҳамда бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилладиган тегишли ахборот;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўтказилладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилишида давлат органлари ва ташкилотлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек уларнинг раҳбарлари ва расмий делегацияларининг расмий ташрифлари ва хизмат сафарлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ва статистик маълумотлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўтказилладиган (ташқил этиладиган) очиқ

танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларида, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида мавжуд бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларига жойлаштириш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ташкил этилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот сирасига қонунчиликка мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат ҳокимиятининг вакилик органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари), уларнинг қўмиталари (доимий комиссиялари), комиссиялари очиқликни таъминлаш мақсадида ўз фаолияти тўғрисидаги ахборот, шу жумладан режалаштирилаётган мажлислар ва тадбирлар, кўриб чиқилиши мўлжалланаётган масалалар, қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборот ўз вақтида эълон қилинишини (чоп этилишини) таъминлайди.

107-модда. Ахборот фойдаланувчиси ва унинг ҳуқуқлари

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот излаётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчидир.

Ахборотдан фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотни олиш ва тарқатиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ушбу Кодекснинг 106-моддасида назарда тутилган ахборотни олиш учун бевосита ёки ўз вакиллари орқали оғзаки, ёзма, шунингдек, ахборот тизими орқали электрон шаклда сўров билан мурожаат этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот олишни рад этиш.

Ахборотдан фойдаланувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

108-модда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ваколатлари

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ваколатларига қуйидагилар киради:

давлат органлари ва ташкилотлари таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчиларнинг фойдаланишини таъминлашга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш

тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторинг қилинишини ҳамда доимий равишда комплекс баҳоланишини ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларни белгилаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида уларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилаётган ахборот рўйхатини тасдиқлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги эълон қилиниши (чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материалларини тасдиқлаш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ хайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартибини белгилаш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан монеликсиз фойдаланишини таъминлаш, ушбу Кодекс 44-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида уларнинг расмий веб-сайтларида, бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидаги веб-саҳифаларида ва (ёки) мессенжерларда жойлаштирилаётган ахборотнинг ўз вақтида берилишини, тўлиқлиги ва ишончилигини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахслари ва ходимларининг малака ва билимларини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

109-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий нашрлари;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг ахборот хизматлари, шунингдек, ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг интервьюлари, чиқишлари ва баёноتلари;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларининг маълумот ва хабарлари;

давлат органлари ва ташкилотларининг бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтлари, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаларидаги материаллари;

оммавий ахборот воситаларининг материаллари;

бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали

доирасида фаолият кўрсатувчи ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотларини жойлаштириш учун мўлжалланган, очик маълумотларни эълон қилишда ва улардан фойдаланишда Портал оператори, очик маълумотларни етказиб берувчилар ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминловчи ахборот ресурси.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳам давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари бўлиши мумкин.

110-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизмати

Давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тайёрлаш ҳамда тарқатиш вазифаларини бажарувчи, шунингдек оммавий ахборот воситалари, журналистлар, блогерлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминловчи таркибий бўлинмаси ёхуд ушбу вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган шахс давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматидир (кейинги ўринларда — ахборот хизмати).

Барча давлат органлари ва ташкилотлари таркибида ахборот хизматларининг мавжудлиги мажбурий ҳисобланади.

Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг матбуот котиби ҳисобланиб, ахборот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига қўра давлат органи ва ташкилоти раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилади.

Қуйидагилар ахборот хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, ахборот тадбирларини ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг чиқишларини ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хужжларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва бутунжаҳон Интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

Ахборот хизмати давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллари ҳам фойдаланиши мумкин.

111-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш, агар мазкур ахборот қонунда белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чеклаб қўйилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг рўйхати, шунингдек маълумотларни бундай ахборот жумласига киритиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар билан ишлашга рухсат этилмаган шахсларга бундай турдаги ахборотларни тақдим этиш тақиқланади.

12-боб. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тартиби

112-модда. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва улар ваколат берган мутахассислари томонидан жамиятнинг кенг қатламларига катта қизиқишга сабаб бўлган ва долзарб ҳисобланган ўз фаолияти бўйича ҳолис ва ўз вақтида ахборот бериш мақсадида мунтазам матбуот анжуманлари, брифинглар ва бошқа тадбирларни ўтказиш ҳамда интервьюлар ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш);

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни уларнинг расмий веб-сайтларида ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидаги веб-саҳифаларида жойлаштириш ва

янгилаб бориш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш ҳамда янгилаб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги иқтисодиёт субъектлари, тадбиркорлар ёки аҳоли қайта фойдаланиши мумкин бўлган ахборотларни Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталига тегишли даврийлик билан мунтазам жойлаштириб борилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш;

ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда, шу жумладан, электрон шаклида ахборот тақдим этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

113-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш)

Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш) давлат органлари ва ташкилотларининг расмий нашрлари, расмий веб-сайтлари, бутунжаҳон интернет тармоғидаги расмий веб-саҳифалари, мессенжерлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади.

114-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари

Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидаги ушбу органларга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсдир.

Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида ушбу Кодекснинг 106-моддаси назарда тутилган ахборотдан ташқари қуйидагилар жойлаштирилиши мумкин:

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (биографик маълумотлар, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда улар таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари, почта манзиллари ҳамда аҳоли яшаш жойи пунктидаги жойлашуви харитаси, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати телефонларининг ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг қатнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахслар чиқишларининг ҳамда баёнотларининг матнлари;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;

аризаларни, таклифларни, шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот;

амалга оширилаётган профилактика тадбирларининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган материаллар, қонунийликнинг ҳолати ва жиноятчиликнинг даражаси ҳақидаги маълумотлар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборот;

фуқароларнинг сўровларини қабул қилиш ва уларга жавобларни электрон шаклда, шу жумладан реал вақтда юбориш имконини берувчи самарали қайта алоқа механизми.

Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларидаги ахборот давлат тилида жойлаштирилиши ҳамда кўз ожизлиги бўйича ногиронлиги бўлган шахслар ҳам фойдаланиш имкони мавжуд бўлиши керак. Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари давлат тилидаги талқини билан айнан бир хилда бўлган бошқа тиллардаги шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборотнинг санаси қўйилган бўлиши ҳамда у кунига камида бир марта янгиланиб борилиши керак.

Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот ўз вақтида, ишончли, осонлик билан идрок этиладиган ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга.

115-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ҳамма кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларга жойлаштириш

Давлат органлари ва ташкилотларининг ўзлари эгаллаб турган ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарда ва (ёки) бошқа ажратилган жойларда тегишли орган ва ташкилотнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот билан ахборотдан фойдаланувчилар танишиши учун ахборот стендларини ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларни жойлаштириши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот стендларида ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларда қуйидагилар бўлиши шарт:

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий

хужжатлар рўйхати;

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва уларнинг таркибий ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот;

давлат органлари ва ташкилотларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумот хизмати телефонларининг, ишонч телефонларининг рақамлари;

давлат органлари ва ташкилотларининг режалаштирилаётган очик ҳайъат мажлислари тўғрисидаги ахборот;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш вақтлари тартиби тўғрисидаги ахборот;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот стендларида ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларда қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

116-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этади.

117-модда. Давлат органлари ва ташкилотларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳайъат мажлислари очик тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўзларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши тартиби ушбу органларнинг тегишли норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

118-модда. Оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида аккредитация қилинишини амалга ошириши мумкин.

Давлат органлари ва ташкилотлари оммавий оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакилларини ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор

қилади, уларга ўз касбига доир вазифаларини бажаришда кўмаклашади.

Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлиб ўтадиган очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;

аккредитация қилувчи органнинг биноларига (хоналарига) ва бошқа объектларига аккредитация қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда кириш;

очиқ ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

аккредитация қилувчи органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ҳамда олиш, оммавий тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ҳамда улардан кўчирма нусхалар олиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан зарур техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёзувларни ёзиб олиш;

олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситалари материалларини тайёрлашда фойдаланиш;

нашрга тайёрланган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун аккредитация қилувчи орган мутахассисларига мурожаат қилиш.

Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакиллари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ТАРҚАТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ

13-боб. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тартиби

119-модда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлашнинг ошкоралиги, очиқлиги, ўз вақтидалиги, ҳуқуқий ахборотни излаш ва олиш эркинлигидан иборатдир.

120-модда. Ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш кафолатлари

Ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш давлат томонидан кафолатланади.

Фуқаролар ҳуқуқий ахборотни монеликсиз излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари мансабдор шахслари ҳар кимга ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш имкониятини белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

Агар ҳуқуқий ахборот давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига белгиланган тартибда киритилган бўлса, ушбу ахборотдан фойдаланиш чекланади.

121-модда. Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усуллари қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш;

ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш.

122-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни матнларини юбориш йўли билан тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари имзоланган кундан эътиборан бир кун ичида ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материаллар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартиш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали ва бошқалар) уларни қабул қилган органлар томонидан қоғозда ва электрон шаклда қуйидаги тартибда юборилади:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига;

вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни бошқа давлат органларига ва ташкилотларга юбориш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан уларнинг матнларини улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган куни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича электрон шаклда йўллаш орқали амалга оширилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир кун ичида бошқа давлат органларига юборилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини юбориш уларнинг матнларини ва зарур бўлган тақдирда, уларга доир ахборот-таҳлилий материалларни бир кун ичида ушбу

органлар томонидан ўз таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмаларига, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига йўллаш, шунингдек кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бериш учун ҳудудий адлия органларига йўллаш орқали амалга оширилади.

123-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш йўли билан тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар қонунчиликда белгиланган муддатларда нашр этилади ва очиқ обуна йўли билан тарқатилади.

Расмий манбаларда эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хронологик тартибда кетма-кет жойлаштирилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами”да ушбу ҳужжатларнинг рақами ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган санасига мувофиқ хронологик тартибда кетма-кет жойлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қисми расмий манбаларда эълон қилинганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номидан кейин “Кўчирма” деган ёзув жойлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни мазкур ҳужжатни қабул қилган орган томонидан расмий равишда йўлланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнига мувофиқ бўлиши керак.

Катта ҳажмли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларга илова тарзида эълон қилиниши мумкин.

124-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш йўли билан тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида назарда тутилмаган манбаларда эълон қилиш норасмий эълон қилишдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш жисмоний ва юридик шахслар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини даврий нашрларда, веб-сайтларда, қонунчиликнинг электрон маълумот тизимларида эълон қилиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир рисолалар, тўпламлар ва шарҳлар эълон қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Кодексларни, қонунчилик ҳужжатлари тўпламларини нашр қилишда, шунингдек қонунчиликнинг электрон маълумот тизимларини реализация қилишда улар нашр қилинаётган (реализация қилинаётган) санадаги назорат ҳолатига келтирилган бўлиши лозим.

Норасмий нашрларда, шу жумладан қонунчиликнинг электрон ахборот тизимларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа тиллардаги норасмий таржималари эълон қилиниши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норасмий таржималари норасмий таржима эканлиги ҳақидаги белгига эга бўлиши лозим.

125-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш ва ундан фойдаланишни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасига жойлаштириш йўли билан таъминлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасида расмий эълон қилиш улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган пайтдан эътиборан бир кун ичида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш» бўлимида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумларининг қонунчилик қўлланилиши масалалари бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисидаги қарорларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига улар имзоланганидан кейин бир кун ичида юборади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасида жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг матнлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг матнлари маълумот хусусиятига эга бўлиб, ҳужжатнинг келиб тушиши ва унга ишлов берилишига қараб, бироқ улар расмий эълон қилинганидан кейин уч кундан кечиктирмай янгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасидан фойдаланиш бепул амалга оширилади.

126-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий тарғибот йўли билан тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий тарғибот йўли билан тарқатиш барча давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. Нодавлат ноtijорат ташкилотлари ҳам ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи ва (ёки) ишлаб чиқувчи органлар ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддатда ҳуқуқий тарғибот бўйича чора-тадбирлар режасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунавий тадбирлар режаси асосида ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

Ҳуқуқий тарғибот қуйидаги усулларда амалга оширилади:

конференциялар, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказиш;

оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларига мақолалар ва ҳуқуқий-ахборот материалларини жойлаштириш орқали;

шарҳлар, рисоалар, плакатлар, буклетлар ва флаерлар тарқатиш;

ижтимоий рекламалар (видеолавҳалар, инфографикалар ва бошқалар) ҳамда тарғиботнинг қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа турлари орқали.

Давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш ҳамда унинг ҳудудий комиссиялари томонидан амалга оширилади.

127-модда. Жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш

Жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўров билан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўров у келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши лозим.

Расмий нашрларда эълон қилинган ёки расмий веб-сайтларга жойлаштирилган ҳуқуқий ахборот сўралганда давлат органлари ва ташкилотлар сўровга жавобда сўралаётган ахборот эълон қилинган расмий нашрнинг номига, чиқарилиш санасига ва сонига ёки сўралаётган ахборот жойлаштирилган расмий веб-сайтнинг электрон манзилига ҳавола бериши мумкин.

Ҳуқуқий ахборотни электрон тарзда тақдим этиш бепул амалга оширилади. Ҳуқуқий ахборотни қоғозда тақдим қилганлик учун томонларнинг келишувига кўра ҳақ олинishi мумкин.

Ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровни қаноатлантиришни рад этиш асосланган бўлиши лозим.

128-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтириш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига кўра давлат органлари ва ташкилотлар ўз фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтиради.

Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришлар ушбу органлар ва ташкилотларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари учун мажбурий кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми зарурат бўлганда қонунчиликнинг қўлланилиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради.

Қонунчиликнинг қўлланилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларнинг тушунтиришлари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан тегишли органлар ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Нодавлат ноижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби бўйича тавсия хусусиятига эга бўлган тушунтиришлар тайёрлаши ва тарқатиши мумкин.

129-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинганда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий нашрларда эълон қилинганда унинг матнида имловий хатоларга, ёзувдаги хатоларга, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, у ҳолда нашрнинг энг яқин сонига тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агар норасмий нашрларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинган расмий

манбадагига қиёсан имловий хатоларга, ёзувдаги хатоларга, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, улар аниқланган кундан эътиборан ўттиз календарь кундан ошмаган муддатда ношир томонидан республика даврий нашрларида (газеталар, журналлар ва ҳоказоларда) ёки норасмий нашрнинг кейинги сониди (чиқарилишида) тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агар қонунчиликнинг электрон маълумотлар базаларида имловий хатоларга, ёзувдаги хатоларга, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, улар дарҳол бартараф этилиши керак.

14-боб. Яқунловчи қондалар

130-модда. Низоларни ҳал этиш

Ахборот соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

131-модда. Ахборот кодекси қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборот кодекси қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.